Шу асосда Буюк Британияда жиний айблов бўйича хибсага олинган ёки ушланган шахсни 3 кунлик муддатда, озоликдан маҳрум этиш жойи ва суд жойлашган ер ўртасидаги масофа анчагина ташкил этган ҳолда 20 кунлик муддатда судга олиб келиш тартиби жорий қилинган. Суд эса хибсага олишнинг қонунчилигини текшириб чиққан. Ўзининг парламенти томонидан қабул қилинган ўша тарихий қонун кейинчалик англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги кирувчи мамлакатларда ҳамда Латин Америкаси давлатлари қонунларида ўз аксини топган ва инсоннинг эркинлик ва шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқи кафолати сифатида хизмат қилмоқда. Шу босқичда дунёнинг юзидан ортиқ мамлакатларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш ёки улардан маҳрум қилиш билан боғлиқ мажбурий чораларни қўллашга санкция бериш судлар ваколатига берилган.

Демак, мамлакатимизда мазкур ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчилигимизга татбиқ қилиниши, аввало, шахсни асоссиз жиний таъкиб қилиш ва хусусий ҳаётига

аралашмаслик ҳамда шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини таъминлашда қатор афзалликларини келтириб қаради. Қолаверса, ўшабди жараёни ҳуқуқий кафолатлаш билан боғлиқ қуйидаги муаммолар ҳал қилинишига олиб келади:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 19-моддасида: «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорини сиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч қим ҳақиқи эмас» деб кўрсатилган. Шу сабабли қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши конституциявий таъминланган руёбга чиқишига олиб келади. Шунингдек, қонунчилигимиз мейёрлари ҳалқаро андазаларга мослашган;

Иккинчидан, фуқароларнинг қонун билан қўриқланган ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати сифатида мажбурий судларга ўтказилиши конституциявий таъминланган руёбга чиқишига олиб келади. Шунингдек, қонунчилигимиз мейёрлари ҳалқаро андазаларга мослашган; фуқароларнинг қонун билан қўриқланган ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати сифатида мажбурий судларга ўтказилиши конституциявий таъминланган руёбга чиқишига олиб келади. Шунингдек, қонунчилигимиз мейёрлари ҳалқаро андазаларга мослашган;

Муносабат

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси жиний процессуал қонунчилигида назарда тутилган суддаги тортишув тамойили терговга кўчди;

Тўртинчидан, айбланувчи, гумон қилинувчининг химоя ҳуқуқи кенгайтирилади, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги амалда таъминланади.

Эътироф эткиш жоизки, олиб борилаётган ислохотлар ижобий самараси, ў қайси соҳада бўлишидан қатъи назар, амалда унинг тўғри ижро қилиниши билан ҳамбарчас боғлиқ. Демак, бундан кўрагина, давлат раҳбари қабул қилган Фармондан келиб чиқувчи вазиқалар ижросини таъминлаш ва ў буйича қўрилган ижобий натижаларга эришиш учун ҳозирдан назарий ва амалий билим кўникмаларига эга бўлиш чораларини қўриш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоиз: Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши мамлакатимизда инсон эркинлиги йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали натижаси бўлди.

Уmid МУҲAMMEdOв,
Бaхтiр AbДУллAEв,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг хузуридаги Амалдоги қонун ҳужжатлари мониторингини институтини илмий ходимлари

16 сентябрь — Ҳалқаро озон қатламини химоя қилиш куни

Осмон ости — замин одамзотнинг яшаш макони. Одатда биз самони чексиз деб ўйлаймиз. Аммо, унинг ҳам «чегараси» борлиги ҳақиқатдир. Назаримда, инсон ўзи яшаётган ўша «осмон ости»даги гўшасининг томини «тешди» ва бундан инсонни таъсиёт, балки ўзи ҳаётини ҳам хавф остига қўйди. Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитасига қарашли «Атмосфера» лойиҳа ва илмий тадқиқот институтининг директори Қутбиддин ТОҶИЕВ билан суҳбатимиз ана шу ҳақда.

ОСМОННИНГ ОҚ ПАРДАСИ

— Бугунги кунда сайёрамизнинг экологик хавф-хатар куршовида қалаётгани ҳақида турли фикр-мулоҳазалар билдирилган. Экологик бурҳон деб аталаётган озон қатламини емирилишининг сабаби нимада?

— Дунё олимларининг илмий тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатяптики, ер юзиде кескин иклим ўзгариши, глобал исил жараяни юз берди. Кейинги 100 йилда ҳароратнинг +1 градусга кўтарилиши табиатда турли хил экологик ҳалокатларни келтириб чиқаряпти.

Нега ер шарида глобал исил руй берди? 1900-2000 йилларни, яъни бир аср оралигини олиб кўрайлик, инсон техника тараққиотида эришди, машинаси, самолётини кашф этди, ички ёнғичи энергия яратди. Тараққиётнинг интенсив ривожланиши, кемасозлик, самолётсозлик, машинасозлик, саноат корхоналари, яъни ёқилги энергетика мажмуаларидан чиққан ифлос ҳаво атмосферани булғай бошлади. Тараққиёт англоликларни инсоннинг турмуш даражасини яхшилаш билан бирга атрофмуҳит, табиатга ўзининг салбий таъсирини ўтказди. Мисол учун, 1950 йилларда пайдо бўлган марказлашган исиллик энергияси, 1960-1980 йиллардаги газлаштириш — ҳаммаси ҳавога «чиқинди» чиқарди, уни ифлослантирди, ер, сув, тупроққа таъсир қилди. Ерда ҳосил бўлган бундай «чиқинди»лар ҳавога кўтарилиб озон қатламининг сийраклашиб, емирилишига олиб келди. Бир сўз билан айтганда, табиатдаги одам, ҳайвонот дунёси, ўсимликлар оламига хавф тугилди.

Айниқса, ишлаб чиқариш, маиший чиқиндилар ўзидан ҳар хил газлар чиқариб, атроф-муҳитнинг барқарорлигини бузади. Ҳозирги кунда бунинг ер юзиде, шу жумладан, бизда ҳам катта миқдордаги саноат, маиший чиқиндилар тўпланиб қолган. Бу, албатта, атроф-муҳитни хавонга захарлайди.

Ҳозирги пайтга келиб ер юзиде газ, нефть, тўнмаган ости қазилма бойликларнинг захиралари кескин камайиб кетди. Ҳисоб-китобларга қараганда, газ, нефть захиралари нари борса, яна 70 йилга етади, ҳолос.

Дунёдаги асосий қазилма бойликлар ер қобидан 16 километр чуқурликда жойлашган. Ҳаётининг асосий энергия манбаи газ, нефть, маҳсулотлари асосида яратилади. Бензин ёки шунга ўхшаш ёқилги энергия маҳсулотлари ишлатилғач, ҳавога захарли ис газини чиқаради. Ўзбекистонда атрофмуҳит ифлосланиши умумий ҳажмининг 67 фоизи ёқилги энергетика мажмуида тўғри келади. Улар ҳавода углевод оксиди, олтингурут оксиди, азот оксиди бирикмалари, захарли газлар ҳосил қилади. Оқибатда атмосферадаги озон қатламиде «туйнуқ», «тешик»лар пайдо бўлиш жараяни давом этяпти.

— Озон қатламининг сийрақлашувининг олдин ошди учун қандай амалий чора-тадбирлар қўйилган?

— БМТ 2006 йилни «Экология ва қайталанувчи энергия 10 йиллиги» деб эълон қилиш дастури ишлаб чиқаяпти. Ўзбекистонда қайталанувчи энергия манбалари — қуёш, шол энергиясини электр энергиясига айлантириш устида кўплаб илмий изланишлар олиб боришмоқда. Қайталанувчи энергия озон қатламини химоя қилишда энг мақбул

усуллардан ҳисобланади. Жаҳондаги кўплаб илмий марказ, илмий-тадқиқот институтларининг олимлари, мутахассислари ноанъанавий усулда электр энергияси яратиш борсидада кузатишлар олиб бораёпти.

Озон қатламини — юқори атмосфердаги (Ер юзидан 12-45 километргега юқоридега) юққа газ қатламидир. У бизни қуёшнинг ҳалокатга олиб келувчи ультрерадиодиа нулрлар радиацияси таъсиридан сақлайди. Бу нулрлар инсон саломатлигига салбий таъсир қилади. Тери рақини келтириб чиқаради, ҳайвонот олами, ўсимликлар, сув ости дунёсига, озиқ-овқат тизимига зарар етказида.

Маълумки, БМТнинг Атрофмуҳит бўйича дастури (ЮНЕП) озон қатламини муҳофазаси таъсирли (1985 йилда) қабул қилди. 1987 йилда Монтреал протоколини (1987 йилда), Лондон (1990 йилда) ва Колонгенген (1992 йилда) тузатишларини қўшди. Ўзбекистонда ҳам 1995 йилда бу ҳалқаро ҳужжат ратификация қилинди. Унга кўра саноати ривожланган мамлакатларда озон қатламини сийрақлаштирувчи хлорфторуглерод моддаларини ишлаб чиқариш ва сотилиши тақиқланди. Шунингдек, озон қатламини сийрақлаштирувчи бошқа моддаларни ҳам аста-секин туғатиш устида иш олиб бориляпти.

Вақт эса ўзининг аччиқ ҳақиқатини кўрсатди. Тобора сийрақлашаётган озон қатламининг умумий миқдори стратосфера (атмосферанинг пастки қатлами) таркибиде 1994 йил энг юқори даражага етди, энди аста-секин озиётмоқда. Стратосферада озон қатламининг сийрақлашишига олиб келадиган моддалар 2000 йилда юқори даражада ошди. Лекин шуни ҳуштанглик кераки, атмосфера шароити ўзгариб, озон қатламини камайса, унинг тиклиниши камида 20 йилдан кейин бошланиши мумкин.

Инсоннинг самога етказган жароҳати тезда битмайди. Чўнги, озон қатламини емирадиган моддалардан фойдаланиш ва уларнинг ахралиб чиқилиши камайтиришга қарши ҳалқаро ташкилотлар курашса ҳам атмосферага ҳозирги кунга қадар чиқарилган кимёвий моддаларнинг таъсири яна кўп йиллар давом этиб, инсоний ҳаётига таҳдид солиб туради. Одамод қамшиша зуғулукка интилиб яшаседа, қўпинча у табиатга, самога шафқатсизларча муносабатда бўлади. Бир қарашда борлиқ чексиз-чегарасиз туюлсада, аслида озон ҳам инсоннинг меҳр-шафқатига муҳтож.

Хавонинг соғлиғи озон остида яшовчи одамод саломатлиги гаровидир. Озон қатламини эса еримизни кураш турган химоя қобили ҳисобланади.

Зеро, озон қатламини Осмон ила Ер орасидега химоя пардасиде, уни асраб-авайлашага ҳар биримиз масъул.

Саъбатдoв,
Саид САНДУХOв,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Декларация имзоланди

Украина президенти Виктор Ющенко, Олий Рада раиси Владимир Литвин, бош вазир вазифасини бажарувчи Юрий Ехануров ҳамда парламент фракциялари етакчилари «Украина келажиги учун бирлашиш ва ҳамкорлик қилиш Декларацияси»ни имзолашди.

Ҳужжатда айтилишича, «Украина халқи манфаатларини таъминлаш, унинг турмуш даражасини яхшилаш, жамиятнинг бирлаштириш ва Украинанинг дунёдаги макенини кўтариш давлат органлари раҳбарлари ва сийратчилар фаолиятининг асосий таъминчиларидан бўлиши керак».

Ҳужжатни Украина Социалистик партиялар фракциялари етакчилари, «Бизнинг Украина» Халқ иттифоқи, Халқ партияси, Халқ демократик партияси, Украина Халқ Руҳи партияси, Тадбиркорлар ва саноатчилар партияси ҳамда «Украина регионлари», «Олга Украина» партиялари имзолашди. Собик бош вазир Юлия Тимошенко блоки ҳужжатга қўл қўймади.

Декларацияга қўл қўйишдан олдин Ющенко бу ҳужжат Украинанинг иқтисодий, сийсий, гуманитар ва ижтимоий ривожланишидаги жараёнларни амалга ошириш учун сийсий қуларга жавобгарлик юклашини айтиб ўтди.

Ҳукумат, мухолифат ва жамият орасидега бундай «давра суҳбати» Украина тарихиде биринчи бор ўтказилди.

Президент Ющенко яқинда руй берган ҳужжат истеъфосига ҳам тўхтади. Унинг фикрича, бунга собик бош вазир Юлия Тимошенкониинг лавозимини суистеъмол қилиши сабаб бўлди. Шу билан бирга Ющенко Юлия Тимошенко «рангли инқилоб» голярига содиқ қолган бўлса ҳукуматга қайтиши мумкинлигини ҳам айтиб ўтди.

Бирок Тимошенкoning ўзи бу айбловларни ҳақиқатдан ийроқлигини ва Ющенко унинг оубрусидан чўчиб истеъфого чиқариб юборганини билдирмоқда.



Музокаралар бошланди

Олти ҳафталик танаффусдан кейин Россия, Хитой, АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва ҚХДР яна музокаралар столига ўтиришди. Ингилиш давомиде дунёнинг етакчи беш мамлакати ҚХДРни ядро дастури борсида келишувини имзолашга қўндиришга ҳаракат қилмоқда.

Ўтган сафар АҚШ Шимолий Кореядан барча ядро объектларини ёпиб қўйишни талаб қилганидан кейин музокаралар бош берк кўчага кириб қолди.

Бирок Ингилиш бошланмасдан ҚШ Шимолий Корея вакили Ким Ге Кван унинг мамлакатига ҳарбий мақсадларни қўзғалаган атом энергияси борсидаги тадқиқотлар олиб боришдан, ваз чекмаслигини билдирди.

АҚШ ҚХДРга инсонпарварлик ёрдами ва хавфсизлик кафолатлари эвазига ядро дастуридан ваз кечишни тақлиф қилмоқда. Вашингтон бу мамлакатга инсонпарварлик ёрдами ҚХДРдаги барча ядро объектларини ёпиб қўйишга қарши қўйишни тақлиф қилган.

ҚХДРнинг ядро дастури борсидаги издидиятур 2002 йилдан бундан давом этмоқда. Шундан бери Вашингтон Пхеньянин ядро қулолига эга бўлиш учун урани бойитётганликда айблаб келмоқда. Шимолий Корея ядро қулолининг тарқатмаслик ҳақидаги келишувдан чиқишга қарор қилганидан кейин вазият янада чигалашди.

2005 йилда эса Пхеньян ядро қулолига эга эканлигини, бирок бу қулоллар уран эмас, плутоний асосида ишланганлигини маълум қилди.

Август ойида Шимолий Корея дипломатлари ўз мамлакатлари ядро қулолини АҚШнинг олиб бораётган агрессив сийсати натижасида яратишга мажбур бўлганини айтишди.

Қурбонлар сони ошиши мумкин

Бағдоднинг асосан шиалар яшайдиган Қозимия районида кучли портлаш руй берди. Дастлабки маълумотларга кўра, хунрезлик оқибатида 70 одам ҳалок бўлган. Бирок қурбонлар сони қўпайиши мумкинлиги айтилмоқда.

Портлаш ўнлаб ироқликлар ишга жойлашиш мақсадида навбатда турган жойда руй берди.

Полиция майори Муса Абдул Каримнинг маълум қилишича, маҳаллий вақт билан эрталаб 6:30да террорчи ҳайдовчи бошқариб келатган автомобилни навбатда турган ишчиларга қарата йўналтириб юборган.

— От спорти мактаби биносини сотилиши мумкин эмас...

Неъмат Раҳмонов шикоят бўйича прокуратура текшириш ўтказган, солиқ инспекция ўрганган, суднинг қарори бор...

Бирок масала Неъматжон Раҳмонов фойдасига ҳал бўлмапти. Шунинг учун ҳам у шикоят ёзаватти, шунинг учун ҳам ўзи айтгандай яна «юқорига» ёзмоқчи.

Дарвоқе, 2005 йил 28 июнда бўлиб ўтган фуқаролик ахволини тушуниш мумкин. Яъни, раис дастлаб от спорти мактаби биносини 42 миллион сўм, дея баҳонини осмонга чиқариб қўйган, кейинчалик эса биржага берган маълумотномада бино қийматини 4.264.000 сўм, дея кўрсатган. Мана шу нарса Неъматжон Раҳмоновнинг доғда қолдирган.

Ростдан ҳам агар от спорти биносини баҳосини 4-5 миллион бўлагидан бўлса, уни сотиб оlishга Н.Раҳмоновнинг кўриб етарди. Ушунда у мутахассис сифатида спорт мактабини ҳам, отларни ҳам сақлаб қоларди, чавандозлик ривожланарди...

Раисон ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ташкилот ва корхоналар диққатига!

13-ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИНГ БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги «Хангоронсой сел сув омборининг 1,5 млн. куб тўплайдиган ишга тушириш «мажмуаси» қурилиши. Бошланғич нархи — 1641,02 млн. сўм.

Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2006 йил II чорак.

Ишиотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — 13-қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекциясига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи — 13-қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси.

Манзил: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси, 10-уй.

Тел/факс: 222-70-83, 222-75-29

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридега айланма маблағларнинг ёки кўрсатилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли қасбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тизиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектуршиши» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридега манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш кунини ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Тақлифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин 13-қурилаётган корхоналарнинг бирлашган дирекцияси биносиде ўтказилади:

Манзил: Термиз шаҳри, М.Қаҳҳор кўчаси. 10-уй.

Бундан анча йиллар илгари республикаимизда қишлоқ спорти ҳақида гап кетса, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги собик «Савай» хўжалиги намуна қилиб кўрсатиларди. Ҳар ҳолда бу ерда ҳавас қилса аризулий спорт базаси бор эди. Айниқса, от спорти ютуқлари кўпчиликини ҳайратга соларди. Нахотки, қишлоқ жойида шунақа шароит бўлса, деб одамлар гоҳ ишонмасди. Чўнки у пайларда бундай хўжалиқлар нафақат Андижонда, балки республикада ҳам саноқлигина эди.

Биз чўчка излаб юраверибмиз. Шу орада отхонанинг сотилганини эшитиб қолдим...

«Намуна» ширкат ҳўжалиги раиси П.Исмоилов, бош хисобчи Р.Қодиров». Хуллас, 2003 йил 8 июлда от спорти мактаби биносини биржада 4.264.000 сўмга фуқаро Тўхтасин Турғунбоевга сотилади.

«Биржа савдосига қўйилган Қўрғонтепа тумани «Намуна» ширкат хўжалиги раиси (собик) Пўлатжон Исмоилов от спорти мактаби биносини сотмоқчи эканлигини айтиб қолди, — дейди Неъматжон Раҳмонов. — Агар ҳақиқатан ҳам сотиш ниятингиз бўлса, нархини анорноқ қилсангиз биз сотиб ола қўлайлик, дея раисга мурожаат қилдик. Мактабни сақлаб қўлайлик, чавандозлар қўлайсин, дедим.

Раиснинг жавоби эса шундай бўлди: — Сизларнинг кучингиз етмайди, нархи 42 миллион сўм бўлса... Ундан кўра, чўчка боқинглар.

Биносини сотмоқчи эканлигини айтиб қолди, — дейди Неъматжон Раҳмонов. — Агар ҳақиқатан ҳам сотиш ниятингиз бўлса, нархини анорноқ қилсангиз биз сотиб ола қўлайлик, дея раисга мурожаат қилдик. Мактабни сақлаб қўлайлик, чавандозлар қўлайсин, дедим. Раиснинг жавоби эса шундай бўлди: — Сизларнинг кучингиз етмайди, нархи 42 миллион сўм бўлса... Ундан кўра, чўчка боқинглар.



«Намуна» ширкат ҳўжалиги раиси П.Исмоилов, бош хисобчи Р.Қодиров.


БИНО ҲАМ, ОТЛАР ҲАМ СОТИЛДИ

ҚўРҒОНТЕПА ТУМАНИДАГИ ОТ СПОРТИ МАКТАБИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЙУҚ ҚИЛИНГАНИ ҲАҚИДА

«Намуна» ширкат ҳўжалиги раиси П.Исмоилов, бош хисобчи Р.Қодиров». Хуллас, 2003 йил 8 июлда от спорти мактаби биносини биржада 4.264.000 сўмга фуқаро Тўхтасин Турғунбоевга сотилади. Бундан анча кеч хабар топдим, — дейди Неъматжон Раҳмонов. — 15 июни кун отхона биносини сотиш бўйича ҳеч қандай вакиллар йўғилини алдамганида жамоамиз билан шу бинони ўзимиз сотиб олардик-ку. — Сизнинг ўзингиз от спорти мактаби биносини хуСУСЙлаштириш олиш учун хўжалиқ раҳбарига ариза билан мурожаат қилганмисиз? — Ариза берганман. Бирок менинг аризамни ширкат хўжалиги қотиби Р.Абдураҳимов руйқатла олмаган. Нима бўлганда ҳам от спорти мак-

таби ёпилди, қотдор отларнинг бир қисми сотиб юборилди, бир қисми тоққа ҳайдаб кетилган... Чавандозлар эса тарақб кетишди... Икки ўртада қилган меҳнатларимга, ўз хисобимдан қўшимча биналар қуриб, сарфлаган харажатимга қуйиб қолавераман! — дейди Неъматжон Раҳмонов. — Ахир, адалат бўлиши керак-ку!

«Намуна» ширкат ҳўжалиги раиси П.Исмоилов, бош хисобчи Р.Қодиров». Хуллас, 2003 йил 8 июлда от спорти мактаби биносини биржада 4.264.000 сўмга фуқаро Тўхтасин Турғунбоевга сотилади. Бундан анча кеч хабар топдим, — дейди Неъматжон Раҳмонов. — 15 июни кун отхона биносини сотиш бўйича ҳеч қандай вакиллар йўғилини алдамганида жамоамиз билан шу бинони ўзимиз сотиб олардик-ку. — Сизнинг ўзингиз от спорти мактаби биносини хуСУСЙлаштириш олиш учун хўжалиқ раҳбарига ариза билан мурожаат қилганмисиз? — Ариза берганман. Бирок менинг аризамни ширкат хўжалиги қотиби Р.Абдураҳимов руйқатла олмаган. Нима бўлганда ҳам от спорти мак-



Бобур Бенғалия элчисини қабул қилмоқда

Биз билган ва билмаган тарих

Захириддин Мухаммад Бобур Афғонистоннинг маҳаллий паштун, ҳазора, дилозак ва бошқа қабилаларининг маълум даражада қаршиликларига учрайди, уларнинг пистирма ва кўкқис ҳамлаларидан кўп бор азият чекади. Шунинг учун Бобур бу уруғ оқсоқоллари билан эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган. У ҳам юқорида кўрган-нимиздек, бошқа ҳукмронлар қатори Афғонистоннинг Дилозак уруғидан бўлган юрт бошлигининг қизини хотинликка олиб, ўзининг улар билан қариндошчиликка нияти борлигини билдирган.

Мана бу мисолда эса Бобурга Дилозак афғонлари юқоридаги Ҳаатий уруғларидек совға, пешкашлар тортиқ этмаган, муруватлар кўрсатмаган. Аксинча, Бобур уларнинг юртига кириб келиши боис ўзининг дўстона муносабатда бўлишни билдирди шундан кейин улуғларига совға-саломлар берган. Дипломатиянинг бу йўли кейинги босқичдаги режаларга йўл очиб, музокараларга зарур шароит яратиш учун дебоча сифатида хизмат қилган: «Малик Бухон ва Малик Мусо бошлиқ

сонли лашкари билан Ҳиндистонга юришида дастлаб келиб чиқиши афғон бўлган Иброҳим Лўдийнинг юз минглик қўшини устидан ғалабага эришади. Муҳорабаларнинг бирида Иброҳим Лўдий ўлдирилади. Унинг беҳисоб бойликлари, тасарруфдаги ерларнинг асосий қисмига эгалик қилган Бобур инсонийлик нуқтаи назаридан Иброҳимнинг отаси, қариндошуруғларига кўп иноятларни раво кўради. Бу дипломатик йўл, энг аввало, Бобурнинг бу юртда узоқ муддат ҳукмронлик қилиш мақсади борлиги, иккинчи жиҳатдан барибир инсонийлик аънаналарига амал қилиб, фарзанди вафот этган отага ёрдам бериш ҳисси унда жўш урганлигини кўрсатади.

Аслида, Бобурнинг бу қарорга келишига Иброҳим Лўдийнинг шаҳар кўрғонидан бир неча вакиллар чиқиб, Бобур билан музокара олиб борганликлари ҳам сабаб бўлган. Бу музокаралар бўлмаган тақдирда ҳам Бобурнинг — шоир ва адиб Бобурнинг инсоний ҳислатлари голиб келиши аниқ эди. Биз бунга «Бобурнома»да келтирилган кўплаб маълумотлардан ҳам биламиз. Мазкур масаланинг нозик томонини аниқлаган Бобур ўз афроғидиқлар билан тўрт-беш кун маслаҳат қилади, аниқ қарорга келгандан сўнггина дейди: «Бора-кела бу сўзлар қарор топқунча тўрт-беш кун ўтти. Аларнинг муддасидек иноят ва шафқат қилиб, жамий жиҳотларини ўзларига ўқ отасига етти лаклик паргана нақд иноят бўлди. Бекларига ҳам ҳар қайсига парганалар берилди. Иброҳимнинг отасини байрилари билан чиқариб, Аградин бир қуруқ сув қуйи юрт берилди».

Бобурнинг бу нозик сийқатининг ижобий самарасини узоқ кутишга ҳоҷат қолмайди. У бу қишлоқдан қўшни қишлоққа ўтиш билан маҳаллий халқ Бобурга совға билан пешвоэ чиқишади. Бу Бобур дипломатиясининг юксак ютуғи, унинг ганимлари билан тил топишда катта тажрибага эга бўлганлигидан далолат беради: «Али Масқидга тушганда, Маъруф отлик Дилазак Яъқуб хайли баъзи ошлик ўн қўй, икки харвор гуруч, секиз улғу панир пешкаш келтурди».

Мулк бўлиш, инъомлар топшириш сийқатининг дипломатия билан чамбарчас боғлиқлигини яна бир неча мисолларда кўриб чиқас. «Бобурнома»дан маълумки, Бобур жуда кам

(Давоми бор.)
Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари
доктори, профессор

ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИНИНГ ШОҲМОТ ЮЛДУЗИ

Юлдуз Ҳамроқулова 1989 йил 2 апрель куни Жиззах шаҳрида туғилган. 5 ёшидан шохмот ўйнайди. Қизлар ўртасида етти карра Ўзбекистон чемпиони (1999-2005). Осиё биринчилигининг кумуш (2003, Фарғона) ва бронза (2001, Биканор) медаллари совриндори. Аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионатида бронза медали билан тақдирланган (2003), Ўзбекистон миллий терма жамоа аъзоси, Бутунжаҳон шохмот олимпиадаси қатнашчиси (2004, Калвиа, Испания). 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигининг бронза медали совриндори (2005, Белфорт). ФИДЕ спорт устаси (2004). «Шухрат» медали билан мукофотланган (2005).

Бугун дунёни хайратга солган Ўзбекистон шохмот мактабида яна байрам. Бу тантананинг фаизи таровати ўзгача ёқимли. Чунки ўзбек қизи жаҳон шохмот биринчилигида илк муваффақиятга эришди. Ҳа, Юлдуз Ҳамроқулованинг жаҳон биринчилигида эришган бронза медали ўзбек қизларининг дунё шохмот майдонларида қозонадиган бўлажак ғалабалари олдида зарҳал ҳарфлар билан ёзилган дебочадир.

Аслида, биз Юлдуздан шундай муваффақиятни, ўзбек хотин-қизларининг бой интеллектуал салоҳиятини намоиш этишини кутаётгандик. У кейинги йилларда қатор нуфузли мусобақаларда совриндорлар қаторидан мунтазам равишда ўрин эгаллаб, қалбларимизда умид чирогини ёқитиб улгурган. Юлдуз 1999 йилда ўтказилган жаҳон биринчилигида илк бор қатнашган вақтидаёқ, шохмотчилар ўртасида энг юқори натижани кўрсатгани ва Юртбошимизнинг совғаси билан тақдирланди. 2001 йил бошида Ҳиндистонда ўтказилган Осиё биринчилигида эса бронза медалини қўлга киритганди. Бу медал Ўзбекистон хотин-қизларининг XXI асрда халқаро мусобақаларда кўлга киритган биринчи медали сифатида спорт тарихимиздан ўрин олди.

Йил ўтган сайин Юлдузнинг маҳорати ошди, мусобақаларда эришган натижалари яхшиланди. Шу маънода 2003 йил Юлдуз учун хайрли келди. Аввал қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди, кейин аёллар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчи табақа мусобақаларида 2-ўринни эгаллаб, олий табақага йўлланма олди. Олий табақа мусобақаларида эса бронза медали билан тақдирланди, Ўзбекистон терма жамоаси сафига қабул қилинди. Ёзда Фарғонада уюштирилган 16 ёшгача қизлар ўртасидаги Осиё биринчилигида кумуш медалини қўлга киритди.

Дунёдаги ҳар бир шохмотчининг орузси Бутунжаҳон шохмот олимпиадасида иштирок этишидир. Юлдуз бундай бахтта 15



ёшида мушарраф бўлди. У ўтган йил Испаниянинг Калвиа шаҳрида ташкил этилган шохмот олимпиадасида муносиб қатнашиб, қатор чиройли ўйинлари билан мутахассислар назарига тушди.

— Юлдуз мусобақаларда бир маромда ўйнайдиган шохмотчилар қаторига кирди, — дейди мамлакат аёллар терма жамоасининг бош мураббийи Фарҳод Собиров. — Унинг шу ёшида вазмин дона суриши катта истеъдод эгаси эканлигидан дарқ беради.

Чиндан ҳам Юлдуз мусобақаларда совринли ўйинларини эгалламаса-да чиройли ғалабалари билан мутахассислар назарига тушди, шу йил ўтказилган энг чиройли ўйинига берилдиган мукофотга лойиқ кўрилади. Чунки, шу йил ўтказилган Осиё биринчилигида мусобақа голиблигига асосий даъвогар бўлган Ҳиндистонлик шохмотчининг чиройли тарзда мағлубиятга учратди. Бу Юлдуз учун жаҳон биринчилиги олдида тайёргарлик эди, ҳолос.

Францияга йўл олган Юлдузга жаҳон биринчилигида яхши натижа кўрсатиш истаги ҳамроҳ

бўлди. У қатнашаётган 16 ёшгача бўлган қизлар мусобақасида энг кўп 96 нафар шохмотчи қиз дона сурди. Ҳар бир қатнашчи ўз мамлакатининг чемпиони. Юлдуз мусобақа бошидан юқори натижаларни кўзлади. Швейцарча тартибда ўтказилган мусобақаларда охири турларда кўрсатилган натижалар муҳим аҳамиятга эга. Айнан биринчиликнинг охири турларида Юлдуз ажойиб ўйинлар намоиш қилди. Сўнги турда эришган ғалабаси уни совриндорлар қаторига киритди ва 11 инқонитдан 8,5 очко тўплаган ҳолда халқаро миқёсдаги спорт устаси талабини ҳам бажарди.

2001 йилда Юлдузга Ўзбекистон Президентининг совғаси — зарур замонвий компьютер топирилди.

Бугун ўша эътибор, ўша ғамхўрликлар дастлабки самарасини берди. Юлдуз ҳам Рустамнинг муваффақиятларини такрорлай бошлади. Албатта, Юлдузнинг келажаги олдинда, шохмотда қандай ғалабаларга эришиши ўз қўлида.

Асрор МҮМИН

БОБУРНИНГ ДИПЛОМАТИК МАҲОРАТИ

Диққатга сазовор томони шундаки, Гулбаданбегим «Хумоюннома» асарида Ҳиндистонни эгаллашдан олдин Бобурнинг бу икки ўлкага бўлган муносабатини ўз қарашлари билан ифода қилган. Бобур Ҳиндистоннинг Амир Темуруз тасарруфига киритган ва кейин яна Ҳиндлар қўлига ўтган ерларини қайта эгаллаш масаласи юзасидан ўзининг теурийзода қариндош-уруғлари, беклари билан анчагина музокаралар, учрашувлар ўтказган. Назаримизда, Бобурнинг бу дипломатик музокаралар тақдирини яққоқимлик даражасида ҳал қилгани унга Ҳиндистонни эгаллаш ва ўзининг энг катта орузси — Амир Темуруз салтанатини қайта тиклаш имконини беради.

Эҳтимол, Гулбаданбегим ҳам Бобурнинг Ҳиндистон мамлакатига киришда стратегик кўрғон ҳисобланган бу икки шаҳар тақ-


дирини муҳим деб билганлиги боис, ўз асарида ушбу масалага алоҳида тўхталиб ўз сийсий қарашларини баён этганки, бу Бобурнинг қарашларига мос келади: «Доим Ҳиндистонни қўлга киритиш ҳаваслари бор эди. Амрларининг сустлигидан ва биродарларининг ноаҳиллигидан бу орзуга эриша олмаган эдилар. Охири вақтда ака-укалари кетиб қолишган, амрларининг ичидан ҳам подшоҳнинг бу мақсадларига хилоф сўз айта оладиган ҳеч ким қолмаган, тўққиз юз йигирма бешинчи йили подшоҳ икки-уч марта жанг қилиб, Бужурни («Хумоюннома»да шу номда келган — Х.К.) эгалладилар ва Бужур аҳлини қилчидан ўтказдилар. Бужурни қўлга киритгандан кейин, Бҳарага йўл олдилар, бу ерга келиб талон-торожа йўл қўймадилар, тўрт юз минг шохрухийни олиб, аскарлар ва навкарлар сонига қараб бўлиб бериб, сўнг Кобулга қараб кетдилар».

Дилозак афғонлари улуғларига олти кишига юзар миқош кумуш, бирар тўнлуқ парча, учар ўй, бирар говмуш Ҳиндустон савқотидин бериб, ўзгаларига ҳам фароҳур ҳоллари ёрмоқ ва парча ва гову говмуш иноят бўлди».


Бобурнинг бу нозик сийқатининг ижобий самарасини узоқ кутишга ҳоҷат қолмайди. У бу қишлоқдан қўшни қишлоққа ўтиш билан маҳаллий халқ Бобурга совға билан пешвоэ чиқишади. Бу Бобур дипломатиясининг юксак ютуғи, унинг ганимлари билан тил топишда катта тажрибага эга бўлганлигидан далолат беради: «Али Масқидга тушганда, Маъруф отлик Дилазак Яъқуб хайли баъзи ошлик ўн қўй, икки харвор гуруч, секиз улғу панир пешкаш келтурди».

Мулк бўлиш, инъомлар топшириш сийқатининг дипломатия билан чамбарчас боғлиқлигини яна бир неча мисолларда кўриб чиқас. «Бобурнома»дан маълумки, Бобур жуда кам

2005 йил — Сихат-саломатлик йили



Шахрисабз туман марказий шифохонаси жамоаси аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш савиясини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2001 йилда шифохонада ишга туширилган шошилич тез тиббий ёрдам бўлимида 15 нафар шифокор, 62 нафар ўрта тиббиёт ҳодимлари туман аҳолиси сихат-саломатлигини сақлаш борасида сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар.



Суратларда: замонавий шифо маскани биноси; шифокор Тўхта Пулатов ҳамда ҳамшира Савара Алиқуллова. Шифокор Номоз Бокйев ҳамшира Хилола Абдуллаева билан.



Абдурусул ПАРДА олган суратлар

Бугун Вобкент туманининг олис қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгармоқда. Хусусан, Косари қишлоғида бунёд этилган иқтисодий коллежи бу қадим гўшанинг чиройинга чирой қўшиди.

КОЛЛЕЖЛАР СЕНИ ОРТМОҚДА

— 450 ўринли мазкур коллеж ҳудудимизда ҳисобчи, аудитор, молиячи ва менежерларга бўлган талабни тўла қондира олади. — дейди туман ҳокими Мухиддин Эсанов. — Бу каби иншоотлар биргина Вобкентда ўндан ошгани эса Юртбошимизнинг ўсиб келаятган ёш авлодга ғамхўрлиги ифодасидир.

Лойиҳа қиймати 850 миллион сўмлик ушбу даргоҳ салкам етти ойда «1-вилот қурилиш» ҳиссасдорлик жамиятининг тумандаги 201-кўча механизациялашган жамланмаси томонидан қуриб битказилди. Мазкур коллежда талабалар учун замонавий шароитлар яратилган бўлиб, компьютер синфлари, лабораториялар, кутубхона, спорт зали ва ётоқхоналар улар ихтиёрида.

Шунингдек, бундай шинам коллеж бинолари Бухоро шаҳрида ҳам фойдаланишга топширилди. Жумладан, Бухоро автомобил ва йўл, иқтисодий ва банк, маиший хизмат касбуна қоллежларининг янги биноларида бугун қўллаб йигит-қизлар илк машғулларини ўтамоқдалар.

Даврон БАХРОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Газетанинг навбатдаги сони 20 сентябрь, шешанба кунини чиқди.

«ТЕРЕК» РАҲБАРЛАРИ ҲАҚАМЛАРДАН НОРОЗИ



«Терек» футбол клуби Россия Президенти Владимир Путинга ошқора мурожаат қилди. Маълум бўлишича, Чеченiston клубининг учрашувларида ҳақамлар нотўғри хатти-ҳаракатлар қилаётган экан. Мурожаатноманинг нусхаси Россия жисмоний тарбия ва спорт федерал агентлиги бошлиғи Вячеслав Фетисов билан футбол уюшмаси президенти Виталий Муткога йўлланган.

Футбол клуби раҳбарлари мухлислар истаklarини инобатга олиб, «Терек» жамоасининг учрашувларида ҳақамлар томонидан ноҳуя ҳаракатлар қилинаётгани ҳақида ошқора ёзишган. Бунга асосий айдор, деб Россия футбол ҳақамлари ҳайъати президенти Николай Левников кўрсатилмоқда. «Терек» — «Спартак» учрашувида сабр қилишининг иложи бўлмади, — дейилади мурожаатномада. — 11 сентябрь кунини Пятйгорскда ўтказилган ана шу ўйинда ҳисоб 1:1 бўлиб турганди. Учрашув охирида ҳақам Евстигнеев уч дақиқа қўшимча вақт берди. Қизғин шундаки, учрашувнинг 96-дақиқасида борганда 11 метри жарима тўпи белгилаиб, «Терек» дарвозасига ишғол қилинди. Бунини қандай тушуниш керак?»

ФИФА ИНСОНПАРВАРЛИКНИ КЎЗЛАМОҚДА

Халқаро футбол уюшмаси билан Бутунжаҳон антидопинг агентлиги кейинги пайтда спортчиларни допинг масаласида жазолаш бўйича ўзаро келишолмай турибди. ФИФА ҳозирча ВАДАнинг антидопинг кодексини имзоламаган. Боиси, футболчиларни дастлабки айби учун бирдангина икки йилга футболдан четлатиш мақсада мувофиқ эмас, деб қаралмоқда. ФИФА президенти Йозеф Блаттер Мароқашда ўтказилаётган бутунжаҳон конгрессида ВАДАнинг антидопинг масаласида олиб бораётган тадбирларини диққат билан кузатаётганини яна бир бор таъкидлаб ўтди. ФИФА бу ташкилотта ён бериб, бир йилга футболдан четлатиш масаласини ўйлаб кўриш учун олти ойлик муддат берган эди. Гап шундаки, халқаро футбол уюшмаси футболчиларни бундай қатъий жазолаш масаласини ўйлаб кўриш зарур демоқда. Боиси, ҳар бир футболчи билан тузилган шартнома ва уларга бериладиган юқори иш ҳақлари шунини тақозо этади. ФИФА президентининг сўзига қараганда, «Ҳаммага бараварига бир хил ўроқ тортиш», ярамас экан.

«НАСАФ» МАВҒЕИНИ МУСТАҲҚАМЛАДИ

Ушбу ўйинда «дубль»га эришган жамоа ҳужумчиси Зафар Холмуродов ўз ҳисобидида тўплар сонини 19 тага етказиб, тўпнарлар баҳсида пешқадамлигини сақлаб қолди. Қаршиликлар ҳисобидидаги очколар сонини эса 44 тага етди.

Утган турда мавсум қарвонбоси «Насаф»ни (2:0) мағлубиятга учратган «Тўпаланг» (Сариосиё) жамоаси бу гап пайтахтада «Локомотив» футболчиларига қарши майдонга чиқди. Тенг кўрашлар остида кенган мазкур учрашув тақдирини 89-дақиқада Сариосиёликлар ҳужумчиси А.Востриков киритган ягона гол ҳал қилди. Ушбу ғалабадан сўнг олий лига дебютанти жаҳвонинг 5-поғонасига кўтарилиб олди. Зарафшонда уюштирилган «Қизилқум» — «Сўғдиёна» учрашувида ҳам кўтилмаган натижа қайд этилди — 0:0.

Турнинг қолган ўйинлари қуйидаги ҳисоблар билан якунланди: «Пахтакор» — «Трактор» — 5:2, «Нефтчи» — «Бухоро» — 4:2, «Металлург» — «Шўртан» — 2:1, «Машъал» — «Самарқанд-Д» — 3:1.

Table with multiple sections: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Asliddin RUSTAMOV, Laif G'ULOMOV, Ashur GODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Farruh HAMROYEV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO' LIMLAR: Siyosat, partiya va xalqaro hayot; Ma'naviyat va ma'rifat; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot; Parlament va huquq; Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq; Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik; Xatlar va ommaiviy ishlr; Reklama va e'lonlar; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Termizda; MANZILIMIZ: 700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY; «НАСАФ» МАВҒЕИНИ МУСТАҲҚАМЛАДИ; ФИФА ИНСОНПАРВАРЛИКНИ КЎЗЛАМОҚДА